

Журналист ва шоир Минхожиддин Хайдар 1941 йилнинг 3 май кунида Андижон вилояти, Олтинкўл тумани Маслахат (Тўн кўйган) кишлогида таваллуд топган. Тўликсиз ўрта мактабдан сўнг Андижон медитсина билим юртида (1958—1960) ўқийди. 1963—1968 йилларда эса Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факултетида тахсил кўради. Сўнгра «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекпстон адабиёти ва санъати») рўзномасида, «Ёш гвардия» ва Гафур Гулом нашриётида етакчи муҳаррир бўлиб хизмат килади.

Ҳозирги кунда эса у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошида «Минхож» саҳоват нашриётини очиб, унга ўзи раҳбарлик қилиб келмоқда. Мазкур нашриёт эса халқимизнинг бой тарихи, маданий меросига оид ноёб асарларни чоп этиш билан катта хайрли иш қилмоқда.

Унинг биринчи шеърӣ тўплами 1971 йилда «Инсон юраги» номи билан чоп этилади. Сўнгра унинг «Нина устида қаср» (1979), «Ўчмас бўрон» (1979), «Тирик аланга» (1984), «Булбулсиз» (1991) каби бир қатор шеърӣ тўплamlари ва 1992 йилда «Мусалло» номли публитсистик асарлари босилиб чиқади.

У таржимон ва драматург сифатида ҳам сермахсул ижодқордир. Жумладан, «Онаизор» (1970), «Дўзахдаги шайтон» (1976) каби шеърӣ драмалари ва памфлетлари китобхон ва томошабинда катта кизикиш уйготган.